

Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг П А С П О Р Т И

№	Кўрсаткичлар номи	Маълумотлар
1.	Корхонанинг расмий номи	Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
2.	Корхона манзили	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Хондамир кўчаси 127-уй.
	Бошқарма ташкил этилган йили	2003 йил
4.	Корхонанинг мулк шакли	Давлат ташкилоти
5.	Корхонани асосий фаолияти тури	Қўйи Сирдарё ИТХБ ва унинг ҳузуридаги Шўрузак-Сирдарё ИТБ, Боёвут ИТБ, Сирдарё МЭ, Сирдарё НС ва Э бошқармаси ҳамда 8 та туманда сувни етказиб бериш хизмати ДМларни иш фаолиятини бошқариб боради. сув соҳасида ягона сув сиёсатини олиб боради, вилоят миқёсида ҳудудларига сув ресурсларини белгиланган лимит дойрасида етказиб бериш, ирригация-мелиорация тизимларидаги сув ресурсларини бошқариш ва фойданишни тартибга солиш, каналлар ва улардаги иншоотларни техник ҳолатда сақлаш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларига кафолатли сув етиб боришини таъминлаш, тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, бошқармада ягона сиёсат ўтказиш учун маъсул ҳисобланади
6.	Жами ишчи ва ходимлар сони	1127,5 киши шу жумладан: -бошқарув аппарат ходимлари - 116 киши - Ишлаб чиқариш - 1011.5 киши
7.	Бошқармада ишлаётган ходимлар сони	66.5 киши шу жумладан: -бошқарув аппарат ходимлари - 18 киши - техник ходимлар - 48.5 киши
8.	Ишчи ва ходимларнинг ўртача ойлик маоши	1185 433 сўм
9.	Жами мавжуд автотранспортлар, техникалар сони ва номи	Бошқармада ва унга қараши ташкилотларда жами 50- та механизмлар мавжуд, шундан 5-та трактор, 15- та пайвандлаш агрегати, 5- та тягач, 10-та эксковатор, 1-та бульдозер, 2-та Авокран, 6-та Камаз, 4-та самосвал, 2- та бетон-аралаштирувчи, 35- та енгил транспорт мавжуд.

10	Бошқармада бажарилган умумий иш ҳажми	Ирригация тармоқлари бўйича: бошқармада 633 км. туманлараро каналлар, 1310 дона сув иншооти, 963 дона гидropостлар мавжуд, Бошқарманинг хизмат кўрсатадиган 286 минг га ер майдонларини сув билан таъминлайди
11	Бошқарманинг охирги уч йиллик (2021-2023 й.) кўрсаткичлари Бошқарманинг охирги уч йиллик (2021-2023 й.) кўрсаткичлари	Ирригация бўйича: Жами ирригация тармоқларини тозалаш ва иншоотларни таъмирлаш бўйича: -2022 йилда хўжаликлараро каналларни механизм ёрдамида тозалаш ишлари режаси 274 км бўлиб, амалда 275,6 км (101%) га, Гидротехник иншоотларни таъмирлаш 255 дона белгиланиб. Амалда 258 дона (101 %)га таъмирланди. Гидropостларни таъмирлаш 323 дона белгиланиб, амалда 326 дона 101 %га таъмирлаш тиклаш ишлари амалга оширилди. -2023 йилда хўжаликлараро каналларни механизм ёрдамида тозалаш ишлари режаси 224 км бўлиб, амалда 225 км (100%) га, Гидротехник иншоотларни таъмирлаш 309 дона белгиланиб. Амалда 309 дона (100 %)га таъмирланди. Гидropостларни таъмирлаш 306 дона белгиланиб, амалда 311 дона 101 %га таъмирлаш тиклаш ишлари амалга оширилди. -2024 Хўжаликлараро каналларни тозалаш режаси 233 км белгиланиб, амалда 93.6 км (40 %) га бажарилган, Каналларни тозалашда 10 дона экскаватор жалб қилиниб тозалаш ишлари амалга оширилмоқда. Улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш жами режаси 313 дона белгиланиб, амалда 125 дона (40 %) га бажарилган, гидropостларни таъмирлаш 334 дона белгиланиб, амалда 139 дона (42 %)га бажарилди. -Туманлараро, хўжаликлараро, хўжалик ички зовурлар ва хўжалик ички каналларини тозаланиш ҳамда ички ариқларни бетонлаштириш натижада туманларида ер бал банитети 40 дан 55 гача ўсиши муносабати билан ҳосилдорлик туманларда: 2022 йилда ўртача пахта 25,0 ц. дан 26.0 ц гача ёки 1,0 ц.га. ўртача ғалла 27 ц. дан 30.0 ц.гача ёки 3 ц.га. 2023 йилда ўртача пахта 24,0 ц. дан 26.0 ц гача ёки 2,0 ц.га. ўртача ғалла 27.0 ц. дан 33,0 ц.гача ёки 6,0 ц.га.

		2024 йилда ўртача пахта 26,0 ц. дан 28,0 ц гача ёки 2,0 ц.га. ўртача ғалла 28.0 ц. дан 33,0 ц.гача ёки 5,0 ц.га.
12	Қўшимча маълумот	Бошқармада ўтган уч йил давомида 95 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 323 та сув иншоотларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди. Вилоятдаги каналлар ўзанига 86 км. бетон қопламалар ётқизилиб, сув исрофгарчилигининг олди олиниб, 186 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланди. Эксплуатация тадбирлари орқали 150 км. туманлараро каналларни, 305 км. ички суғориш тармоқлари тозаланиб, 623 км. бетонлаштирилишига эришилди натижада 5200 м3/с. сув ўрнига 4000 м3/с. сув сарфланишига эришилди. Туманларда 4,1 минг гектар шўрланган кам ҳосилли ер майдонларининг сизот сувлари сатҳини пасайтириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада пахта ва ғалла ҳосилдорлиги 6-8 центнерга кўтарилди. Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизим ташкилотларида ишлайдиган ходимлари ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида, сув хўжалиги объектларида 5 жойда парандачилик, 4 жойда балиқчилик, 6 жойда чорвачилик ташкил этилган. Тизимга қарашли каналлар ва колекторларни муҳофаза минтақаларидаги ер майдонларини ўзлаштириш ҳисобига 6,5 гектар майдонда боғ, 30,9 гектар майдонда ғалла, 7,0 гектар майдонларга полиз экинлари ҳамда иссиқхоналарда жами 1,6 гектар майдонда лимон, помидор, бодринг, кўкатлар, пиёз экинларини экиш ва 1,5 гектар майдонда гидробудкалар атрофида кўчатхоналар ташкил қилинган. 40000 тадан ошиқ мевали ва манзарали кўчатларни қаламчаси таёрланди

Бошқарма бошлиғи:

Р.Камилов

